

РАҚС САНЪАТИ

Наманган вилоят тарихи ва маданияти

давлат музейи катта илмий ходими

Валиева Ҳадияхон.

Ўзбек халқининг миллий ифтихори бўлган рақс санъати неча-неча асрлар давомида шаклланди, ривож топди. Ўзбек рақсининг локал мактабида шу кунгача хотин-қизларнинг анъанавий турғун репертуар ва ижро услубига эга бўлган қадамий мусиқий рақс санъати яшаб келади. Ўзбекистонда рақс санъатининг ривожига муносиб ҳисса қўшган Уста Олим Комилов, Мукаррама Турғунбоева, Исохор Оқилова, Қундуз Миркаримованинг ижоди ва фаолияти миллий рақсларимизни дунё сахналарига олиб чиқишга замин яратди. Айниқса, “Баҳор” Давлат рақс ансамблининг концерт дастурлари нафақат Ўзбекистонда балки, бутун дунёда, Европа, Америка, Австралия, Япония каби давлатларда намоёиш этилди. Айниқса, “Танавор”, “Пилла”, “Катта ўйин” каби ижролар миллий ҳаракатларни ўзида намоён этганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейида ҳам юртдошларимизни санъатининг бу тури билан яқиндан таништириш, ижрочилик мактаби анъаналарини етказиш мақсадида алоҳида кўргазмалар ташкил этилган ва бу санъатнинг тарихи ҳақида манбалар келтирилган.

Ҳар бир халқнинг рақс анъаналари, ижро услуби, плпатик тасвирий воситалар бўлиб, улар тарихий, ижтимоий ва географик шароитлар таъсирида таркиб топиб ривожланган. Рақс мусиқа билан узвий боғлиқ, мусиқа мазмунини образлар воситасида очиб беради. Халқ рақсларида ритм муҳим бўлиб, у мусиқада ўз ифодасини топади, оёқ, қўл, бош ва тана ҳаракатлари умумий ритмга бўйсунди, бир-бири билан боғланади. Ўзбек рақслари мазмунини ифодалашда ижрочилар тепки, қаркак, зангдан ҳам фойдаланади. Айрим рақслар рўмол, пиёла, қадах каби буюм билан ижро этилади, баъзан ижрочи халқ чолғу асбоблари (қайроқ, доира,

ноғора ва ҳ.к)да ўзига ўзи жўр бўлади. Фарбий Европа халқлари рақсида, асосан оёқ ҳаракатлари муҳим бўлиб, қўл ва тана ҳаракатлари унга жўр бўлади. Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида топилган қоя тош тасвирлари археологик топилмалар бу ерда рақс жуда қадимийлигидан гувоҳлик беради. Ўзбекистон ҳудудида топилган қоя тош тасвирлари археологик топилмалар бу ерда рақс жуда қадимийлигидан гувоҳлик беради. Ўзбек рақс санъатининг ўтмиши, шакл ва турларининг бойлиги аجدодларимиз асосан деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан боғлиқ бўлганидан келиб чиққан. Шу боис шаҳар ва қишлоқларда ўтказилган тўй, байрам ва маракалардаги “Бешқарсак” каби қадимий ўйинлар ҳам, “Катта ўйин”, “Лазги”, “Кема ўйин”, “Ашшадароз” сингари катта умумлашмага, рамзий тимсолларга эга. Рақсларни ҳам, жангавор ўйинларни ҳам учратиш мумкин бўлган.

Рақс санъати, айниқса, Амир Темур ва темурийлар салтанати равнақ топган. Унда хотин-қизларнинг ўрни катта бўлган. Ранг-баранглик, тарихий қатламлар рақсда яққол кўзга ташланган. Олов атрофидаги ўйинлар, Анахита ва Рустам тимсоларига бағишланган ўйинлар, мақом рақслари, “Арғуштак” каби рақслар шу жумладандир. “Муножот”, “Танавор”, “Лазги” рақслари ҳам айнан шу даврда малакали ижрочилар дастуридан мустаҳкам ўрин олган.

XX асрда рақс санъати Бухоро рақси, Хоразм рақси, Фарғона рақси йўналишида; замонавий сахна талаблари асосида қайта ишланган сахнавий халқ рақси сифатида: миллий рақс унсурларидан фойдаланган балет спектакллари тарзида ривожланиб келди. Мазкур йўналишларнинг ҳар бири аср давомида бир неча тарихий босқични босиб ўтиб, ўз шакли-шамойили, мазмунига эга бўлди. Бир қатор давлат вахалқ рақс жамоалари жаҳонга танилди. Бунда Ҳамдамхон, Юсуфхон қизиқ Шакаржонов, Уста Олим Комилов, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Гавҳар Раҳимова, Розия Каримова, Қундуз Миркаримова, Карим Раҳимов, Қодир Мўминов, Маъмура Эргашева, Юлдуз Исматова, Шокир Аҳмедов, Гавҳар

Матёкубова, Равшана Султанова, Дилафрўз Жаббарова, Қизлархон Дўстмухамедова, Малика Аҳмедова кабирақс усталарининг хизмати катта.

Мустақиллик даврида рақс санъати янада тез суръатлар билан ривожланмоқда. 1997 йилдан кейин М. Турғунбаева номидаги “Ўзбекрақс” ижодий бирлашмаси ташкил топди, бирлашма қошида махсус жамғарма тузилди. Хореография билим юрти негизидан эса Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби барпо этилди. “Ўзбекрақс”, “Ўзбекнаво” ижодий бирлашмалари таркибидаги ансамбллар, халқ рақс меросини ўрганиш ва тиклаш асосида янги рақслар яратиш, анъанавий рақсларни асраб-авайлаш ва муносиб даражада намойиш этиш, ёш раққас ва раққосаларни тарбиялаб етиштириш бўйича олиб бораётган ҳаракатлари ижобий натижалар бермоқда Миллий рақс ижрочилиги бўйича олиб бораётган ҳаракатлари ижобий натижа бермоқда. Миллий рақс ижрочилиги бўйича М.Турғунбаева номидаги мукофот тасис этилган. Бир қатор давлат ва халқ рақс ансамбиллари рақс усталари жаҳоннинг турли мамлакатларида бўлиб, Ўзбек рақс санъатини намойиш этмоқдалар.

Миллий рақс санъатимизнинг маҳир намоёнчаси, юртимизда санъатнинг барча йўналишлари каби миллий рақс санъатини изчил равнақ топтириш, бу борадаги бой анъана ва усулларни тиклаш, “Устоз-шогирд” анъаналарини янада ривожлантириш юзасидан жуда ҳам катта ишларни амалга оширган буюк санъаткор Мукаррама Турғунбаева 1913 йил 31 майда Фарғона туғилган. Фарғона билим юртини тамомлагач, 1929 йилда Муҳиддин Қориёкубов ёрдамида Самарқанд Давлат мусиқали театрининг ёрдамчи труппасига ишга кирди ва театрда саҳналаштирган мусиқали спектаклларда иштирок этди.

1932-1933 йилларда Уста Олим Комилов ва Тамарахонимлар устозлигида ўзбек рақслардан машқлар тайёрлаган бўлса, 1936 йилда ўзи мустақил равишда “Пахта” рақсни яратиб, 1937 йилда “Тулсара” мусиқали драмаси учун рақслар саҳналаштирди.

М.Турғунбоева 1939 йилдан А.Навоий номидаги Опера ва балет театрида ишлаб, балет санъати сирларини пухта эгаллаш, тинимсиз ижодий меҳнат санъаткорга шундай катта шуҳрат келтирдик, бу ҳақда унинг ўзи шундай деган эди: “Мени биринчи марта театрға олиб келган Уста Олим ака, Тамарахоним ва Қораёқубовлар бўлишган. Ёшлигимдан ота-она меҳрига тўймаган эдим, уни Уста Олим ака, Бегимхон аяларнинг қўлига келганда кўрдим . Уста Олим чалган усулларни доирачиларимиз эшитиб, ундан тарбия олишса яхши бўлар эди. Бу одам шундай санъаткор эдиларки, марварид доналаридек териб чалган усулларини эшитган киши роҳат қилар, раққосага эса завқ-шавқ бағишлаб, рақс ҳаракатларини янада ҳам гўзалроқ ижро этишга илҳомлантирар эди”.

Қувонарли яна бир янгилик, Наманган вилояти иқтисослаштирилган рақс мактабининг ташкил этилиши белгиланди. Унда ёш иқтидор эгалари тарбияланиши баробарида миллий рақс санъатига янги истеъдодлар кириб келишига замин яратилади. Тарихдан маълумки, Наманганда ҳам ажойиб рақс усталари ўтишган. Улардан Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Турғунжон Сиддиқовнинг фаолиятини алоҳида эътироф этиш мумкин. Унинг раҳбарлигида Наманган вилоят маданият саройида ташкил этилган “Наманган гуллари” ансамбли, Наманган туманидаги “Олвализор гуллари” ансамбллари жамоаси Москвадаги концертларда иштирок этишган. Бугунги кунларда эса Наманган иқтисослаштирилган санъат мактабининг раққосалари вилоят ва мамлакатимиздаги тадбирларнинг фаол иштирокчиларидир.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллаев Н. Санъат тарихи. 2т-Т.; «Санъат» 2001, 89-б.
2. Қурбанова Й. Амалий санъат буюмларига бадиий ишлов беришда турли ранглардан фойдаланиш. БМИ. Тошкент – 2014, 104-б .
3. Б.Қурбонов, Г.Қурбанова Технология Ва Дизайн Тошкент -2020, 246-б